

## ТОЛЕРАНТЛИК –ТИНЧЛИКНИ ТАЪМИНЛОВЧИ АТРИБУТ СИФАТИДА

*Собиров Алижон Самандар ўгли*  
*Самарқанд вилояти Пастдаргом тумани*  
*Кўшчинор маҳалласи ёшлар етакчиси*  
*E-mail: Alijonsobirov2604@mail.com*  
*Тел: +998913188190*

### Аннотация

Ушбу мақолада бугунги кунда бағрикенглининг мазмун моҳияти ва унинг бугунги кундаги аҳамияти кўрсатиб берилган. Кишининг хатти-ҳаракатлари, эгаллаган билими конгнитив жараённинг ҳосиласи бўлиши лозимлиги таъкидланади. Диний толерантлик ҳақида фикр юритилган. Толерантликни юзага келтирувчи фазилатлар ва унинг зид кўринишлари фалсафий таҳлил қилинган. Мутаассиблик ҳолатлари жамият таназуллининг бирламчи омили эканлиги ҳақидаги фикрлар келтирилган.

**Калит сўзлар:** толерантлик, мутаассиблик, даунфиштинг, эгоизм, ксенофобия, маънавият, конгнитивлик.


Кишилик жамиятининг тараққиёт механизми, эртанги куни ва тараққиёт йўлини унинг ахлоқий, маънавий ва маданий фазилатлари билан бўғлиқдир. Толерантлик (бағрикенглик) тушунчасини фалсафий таҳлил қилар эканмиз унинг қуйидаги моҳиятини англаб етамиз. Бу тушунчаси, кишининг хатти-ҳаракат, бирор ғоя ёки фикр, ташқи кўриниш, дунёқараш ва ижтимоий позитсиясини ҳурмат қилиш ва унга сабр тоқат қилиш каби маъноларни англатади. “Бағрикенглик” (толерантлик) сўзи деярли барча тилларда бир хил ёки бир-бирини тўлдирувчи мазмунга эга. Уларни умумлаштириб чидамлилик, бардошлилик, тоқатлилик, ўзгача қарашлар ва ҳаракатларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш, мурувватлилик, ҳимматлилик, кечиримлилик, меҳрибонлик, ҳамдардлик каби маъноларга эга дейиш мумкин.

Инсон ўз ҳаракатларининг ташкилотчиси ва иштирокчисидир. Шундай экан у ўз ҳаракатларини англаб етиши ва унга тўлақонли жавоб бериши лозим. Машҳур рус тадқиқотчиси С. А. Рубинштейн ўринли таъкидлаганидек, инсон хатти-ҳаракатини таҳлил қилганда ўша хатти-ҳаракатни вужудга келтирувчи, уни кўзғатувчи сабабларининг турли ҳолатлари, турли даражаларини ва уларнинг бир-бирлари билан қўшилиб- қоришиб кетишларини улар ўртасидаги

ўзаро алоқадорликни доимо инобатга олиш даркор<sup>1</sup>. Шу нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, кишининг ботиний руҳияти унинг зохирий ҳаракатларига таъсир этади. Бу борада фалсафий моҳиятга эга бўлган конгнитивлик жараёни муҳим аҳамият касб этади. Конгнитив жараёнларнинг асосида кишининг эгаллаган билими ва олган маълумотининг инсон тафаккурида шаклланган мазмуни ётади. Яъни, киши олган билимидан қандай мақсадда фойдаланмоқда, унинг хатти-ҳаракатлари нима йўналганлиги бу жараённинг эпицентрида туради. Айни шу нарса кишини ҳараклантирувчи куч сифатида қаралади.

Инсоннинг ботиний фазилатларининг шаклантириш ва уни қадрлаш тамойилларининг асоси бўлган ислом дини ва тасаввуф таълимотида кишининг бағрикенг бўлиши ҳақида бир қанча ҳукмлар мавжуд. Хатто, бошқа дин вакили бўлса ҳам уни ҳурмат қилиш ва унинг эътиқодига ишончсизлик билдирмаслик лозимлиги таъкидланади. Аҳмад Яссавий ҳикматларида “Суннат эрмиш, кофир бўлса, берма озор. Кўнгли қаттиқ дилозордан Худо безор”<sup>2</sup> деб ёзади. Яна бир диний мутафаккир олим Бурҳониддин Марғиноний «Ҳидоя» асарида мусулмонлар диёрида черков ва ибодатхоналар бузилиб кетган бўлса, уларни яна қайта тиклаш жоизлигини алоҳида айтиб ўтади<sup>3</sup>.

Ҳар нарсанинг зидди бўлгани каби толерантликнинг ҳам зидди мавжуд. Аслида бу тушунчалар бир қанча. Улар бир-биридан қувват олади ва ғоялар билан таъминлаб туради. Биз Бу ҳолатни қуйидаги схема орқали тушунтирамиз:



<sup>1</sup> Rubinshteyn S. A. Bitiye I soznaniye. M., 1957, 260-261b

<sup>2</sup> Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. – Т.: Фафур Ғулом нашриёти-матбаа бирашмаси, 1992. 22 б

<sup>3</sup> Бурҳониддин Марғиноний. Ҳидоя – Т.: Адолат, 2000. 690 - б.

Юқоридаги ҳолатга қуйидагича изоҳ бўлади:

Бегона бўлган нарса, ҳодиса, таълимот ёки эътиқодлардан кўрқиш ксенофобияга олиб келади (исломфобия ҳам шундай ҳолатда келиб чиқан десак адашмаган бўламиз). Ёд ғоялардан ҳимоялана олмаслик, унга қарши мафкуравий имунитетнинг мавжуд эмаслиги кишида эгоизмни яъни ўз қарашларининг “қули”га айлантириб қўяди. Бу киши фақат ва фақат ўзини севади ва ўзига маҳлиё бўлиб қолади. Ўзининг гўяси ва фикри энг мақбули эканлигига ишона бошлайди. Бунда киши ўзга эътиқотдаги инсоннинг қарашларини писанд қилмаслик, барча кишиларни ўзидан бир поғона қуйида тутиш бир сўз билан айтганда худбинликга интилиш каби ҳолатларни келтириб чиқаради. Бу эса мутассибликка олиб келади. Бирон бир гўянинг “фанати”га айланиб қолиш натижасида кишидаги толерантлик йўқолади. Юқоридаги тушунчаларни бирлаштириб турган омил бирон фикр ёки таълимотга маҳлиё бўлиб, ўзларнинг қарашларини ҳурмат қилмасликдир. Ўз навбатида бундай ҳолат атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан лоқайдликни келтириб чиқаради. Бунга фан тилида “**Даунфиштинг**” атамаси қўлланилади.

Бағрикенгликнинг бирламчи вазифаси тинчликни сақлашдир. Бунда диний бағрикенглик муҳим аҳамият касб этади. Зеро, диний мансублик кишининг бутун маънавий дунёқарашининг зоҳирий кўзгусидир. Башарти шундай экан диний толерантликнинг мазмун моҳиятини ўраниш долзарбдир. Илм ва ибодатни уйғунлик даражасигача кўтарган ислом дини мусулмон мусулмоннинг биродари эканлигини таъкидлайди. Аллоҳ таоло Қуръонда шундай нозил қилади: “Айтингиз: Аллоҳга ва бизга нозил қилинган нарсага, Иброҳим, Исмоил, Ишқоқ, Яъқуб ва унинг авлодига нозил қилинган нарсага, Мусо ва Ийсога берилган нарсага ва набийларга Роббларидан берилган нарсага иймон келтирдик. Уларнинг орасидан бирортасини фарқламасмиз ва биз Унга мусулмонлармиз”(Бақара сураси 136-оят)<sup>4</sup>. Аллоҳ амр қилган ҳукмларга бўйсунуш мусулмон кишиси учун фарздир. Демак, тирик табиатга, инсонларга нисбатан бағрикенг бўлиш биз учун фарздир.

<sup>4</sup> Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф, Ижтимоий одоблар. –Т.: “Ҳилол-Нашр”, 2018. 165-166 б. .